

ИКРОМИДДИН ОСТАНАКУЛОВ

Тошкент ислом университети доценти,

филология фанлари номзоди

МУҲАММАД СИДДИҚ РУШДИЙНИНГ АГИОГРАФИК АСАРЛАРИ

Мақола

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор С.С. Агзамходжаев

Тақризчилар: тарих фанлари доктори, профессор Ш.Воҳидов, тарих фанлари номзоди, доцент Н. Муҳамедов

Резюме

Тошкент ислом университети доценти, филология фанлари номзоди Икромиддин Остонакуловнинг мақоласи XVIII асрда яшаб ўтган туркий агиографик адабиётнинг йирик вакили, мутасаввиф шоир ва адиб Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ҳаёти ва адабий мероси ҳақидадир. Мақола тарихчи, шарқшунос, исломшунос ва адабиётшунос мутахассислар ва маънавий мерос мухлиси бўлган кенг ўқувчиларга мўлжалланган.

Адиб яшаган давр ҳақида

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий 1708 йили Шарқий Туркистоннинг (ХХР) Ёрканд шаҳрида туғилган. Вафот этган йили аниқ эмас. Аммо муаллиф “Тазкирату-л авлиёи туркий” асари муқаддимасида ёдгорликнинг ёзилиш санаси хусусида “Ҳижрий 1190 йили (милодий 1776) ибтидо қилдим, тўрт йил томон бўлганда итмомига еткурдим”деб хабар берган. Рушдий рубоийси:

Умрим туни олтмишдин неча зиёда ўтмиш,
Маълумдурким, етмиш ёшга эмди ёвуқ етмиш.
Уларким мендин илгари фано сари кетмиш,

Кетганлари кетмиш, навбат эмди менга етмиш.

Муҳаммад Сиддиқ XVIII асрнинг 90-йилларигача ҳаёт бўлган.

XVIII - XIX асрларда Мовароуннахрнинг барча ҳудудларида, шунингдек Шарқий Туркистонда мустақил бир неча хонлик ва амирликлар бўлишига қарамай маънавий, маданий ва адабий ҳаёт кўпгина муштаракликларга эга эди. Жумладан, полиэтник таркибдаги аҳоли ислом шариатининг ханафий мазҳабига, ақида масаласида мотурудия таълимотига, тариқатда эса нақшбандия ва қодирия сулукларига амал қилиб яшар, бу ҳол адабиёт ва санъатда, урф-одат ва маданий анъаналарда яққол кўзга ташланар эди. Халқнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришда, қорахонийлар ва темурийлар даврида бўлганидек, тасаввуф тариқатлари етакчи мавқеда эди.

Бу даврда ҳам туркий ва форсий тилда бой адабий мерос яратилди. Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий анъаналари Машраб, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо, Увайсий, Нодира каби шоирлар фаолиятида давом этиб келди. Марказий Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Хўжанд, Ўш, Қошғар, Ёрканд шаҳарлари маданий марказ сифатида тараққий этиб, минтақада адабиёт ва диний маърифат ривожланган эди. Бу даврга келиб, шеърият етакчи бўлишига қарамай, қатор насрий тарихий, илмий ва агиографик асарлар яратилди, аввал ёзилган кўплаб арабий ва форсий асарлар туркий тилга таржима қилинди.¹

Авлиёлар ҳаётига бағишланган асарлар Европа ва Осиё тарих ва тасаввуф илмида агиографик асарлар деб айтилади. Лотинча “Agio” муқаддас деган маънони билдиради. Агиографик асарлар мусулмон кишилари орасидан етишиб чиққан валий зотларнинг юксак инсоний фазилатларини бошқа инсонларга намуна қилиб кўрсатиш учун ёзилган тарихий эсдаликлар сифатида жуда катта қизиқиш билан ўқилган. Бундай асарларнинг ёзилишига ўзлари ҳам тариқат тарбиясини олган амирлар, хонлар ва беклар хомийлик қилишган. Кўпгина агиографик тазкира ва маноқиблар саййид ва хожалар хонадонининг оилавий шажаралари тарихи сифатида яратилган бўлиб,

¹ Бу ҳақда қаранг: Ўзбек насри тарихидан. Тошкент.: Фан. -1986.-231 б. -Б.23-26.

мутахассислар уларни давр ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти тўғрисида қимматли маълумот берувчи манбалар эканлигини ҳам эътироф этганлар.²

Мазкур даврда тазкиранавислик анъанаси Мовароуннаҳрдан ташқари Шарқий Туркистоннинг қадимий гўшаларидан бўлган Хўтан, Ёрканд ва Қошғар диёрларида ҳам давом этган. Бу ерларда, асосан туркий тилли халқлар истиқомат қилади. Уларнинг дини, тили, ижтимоий-сиёсий муаммолари, ўй-ташвишлари Мовароуннаҳр халқи билан муштарак бўлиб, савдо-сотиқ ва бошқа ижтимоий-маданий алоқалар давом этиб келган. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Шарқий Туркистон аҳлининг Мовароуннаҳр туркийларига саноат моллари ишлаб чиқариш борасида устозлиги бор. Масалан, Риштон кулолчилик мактаби Хитой кулолчилиги тажрибалари асосида пайдо бўлганлиги илмий манбаларда қайд этилган. Қадим ва муаззам Хитой халқининг ақл-зақосини, форс ва ҳинд маданиятининг энг нодир анъаналарини миллий қадриятлари билан омухталаштириб ўзига хос моддий-маънавий оламни вужудга келтирган қошғарий туркийлардан Мовароуннаҳр туркийлари ҳунармандчилик, ипакчилик, пазандалик, табобат, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда кўп нарсаларни ўрганганлар. Ўз навбатида санъат ва адабиётда мовароуннаҳрликлар Шарқий Туркистон аҳлига устоз мақомида бўлганлиги эътироф этилган. Хуллас, ораларини баланд тоғларгина ажратиб турган бу икки азим гўша халқлари бир-бирига устоз, бир-бирига шогирддир. Энг қадимий адабий ёзма ёдгорликларимиз, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий асарлари ҳам Шарқий Туркистон заминида яратилиб бутун туркий халқлар ва элатлар учун қимматли муштарак мерос саналади. Ўз навбатида Яссавий, Навоий ва Машраб каби улуғ шоирлар меросини Шарқий Туркистон аҳли ҳам мўътабар маънавий бойлик сифатида қадрлайди.

Гарчи Ёрканд, Хўтан, Қошғар диёрлари XVI-XVII асрларда Жунғория подшоҳлиги таркибида бўлса ҳам, мусулмон шариатида асосланиб ҳаёт

² Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент. Ўқитувчи. :-1995. -367 б. -Б. 245-250; Солиҳова Ҳ. Алишер Навоий издошлари. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи. :-2005. -192 б. -Б. 23-42.

кечиарар, энг муҳим лавозим саид авлодларидан бўлмиш Ҳидоятуллоҳ Офокхожа ҳазратларига тегишли эди. Офокхожа авлодлари қалмоқлар билан куда-анда бўлиб кетган.³

Хитой ҳукумати бу пайтда Жунгория ва Шарқий Туркистонни қайтадан ўз территорияси таркибига қўшиб олиш, савдо йўлини қўлга киритиш пайида эди. Жунгория армияси яхши қуроолланган бўлиб, Хитой ҳукумати уни енгиласига қўзи етмас эди. XVII аср охирига келиб Жунғор ҳукмрон доиралари орасида ўзаро келишмовчилик, тож-тахт учун кураш авж олиб кетади. Бу вазиятдан усталик билан фойдаланган Хитой ҳукумати ёрқандликларни Жунғорларга қарши қайраб, “мустиқиллик” учун курашга рағбатлантиради. Охири Жунғор хони Дабачи хон ва унинг душмани Амурсанни бир-бири билан уриштириб, охири Амурсанни Офокхожа набираси Хожа Бурҳониддин қўли билан енгилб, Жунғория давлатини бошқаришни унга топширади.⁴ Хожа Бурҳониддинга муҳолиф бўлган Хожа Абдуллоҳ Ёрқанд подшоҳи эди. Хитой ҳукумати энди Ёрқанд хонлигини тор-мор этиш учун Хожа Бурҳониддинни қўшин билан Ёрқанд ва Қошғарга юборади. Хожа Бурҳониддиннинг охири (яширин) мақсади эса Жунгория ва Ёрқанд давлатларини бирлаштириб, қудратли давлат қуриш эди. У Хожа Абдуллоҳни енгади. Ягона давлат ташкил этади. Хитой ҳукумати Саид Бурҳониддинни орадан қўтариш учун Жунғорларнинг аламзада кучларидан фойдаланиб Ёрқандга ҳужум уюштиради. Хитой қўшинларининг бир неча минг аскар билан (бир неча марта) бостириб келиш оқибатида Хожа Бурҳониддин енгилди. Укаси Хожа Жаҳон билан биргаликда қатл этилади. 1759 йили Жунгория ва Ёрқанд хонлиги Хитой тасарруфига ўтади - Циньцзян вилояти шу тариқа ташкил топади (Хитойча “Циньцзян” сўзи “янги чегара” деган маънони билдиради). Биз қисқача баён этган бу тарих ҳақида ўзбек, уйғур, хитой, француз, инглиз олимлари қатор тарихий асарлар

³ Ходжаев А. Цинская империя и Восточный Туркестан в XVIII в. Ташкент. Фан. . -1991. -130 с. -Стр. 80-81.

⁴ Амурсан ўз даврининг жуда катта сиёсий лидери бўлиб, Мўғилистон, Қозоқ ерлари, Қошғар ва Марказий Сибир ижтимоий –сиёсий ҳаётида ўзига хос таъсир кучига эга бўлган. Рус тарихчилари у ҳақда махсус китоблар ёзишгани бежиз эмас. Қаранг: В.С. Амурсана. Новосибирск. -1980.

ёзишган. Жумладан, М.Қутлуқов, А.Хўжаевларнинг илмий тадқиқотлари диққатга сазовор⁵.

Муҳаммад Сиддиқ ва унинг хомийси Хожа Кефакбек Хожа Абдуллоҳ хизматида бўлиб, Хожа Бурҳониддинга муҳолиф эдилар. Хожа Бурҳониддин подшоҳлик қилган ҳудуд “Оқ тов”, Хожа Абдуллоҳ подшоҳлик қилган ҳудуд “Қора тов” деб аталган. Икки ҳудуд Хитой тасарруфига ўтгунга қадар 1750-57 йиллар орасида “Оқтовликлар” Журғордан Ёркандга бостириб келиб, шаҳарни 6 ой қамал қилганда халқ жуда қийналади. Очлик, касаллик тарқалиб, ҳаёт издан чиқади. Чорва ҳайвонлари нобуд бўлади. Экинлар, боғлар сувсизликдан қуриб-қақшайди, уруш оқибатида кўп одамлар ҳонавайрон бўлади. Минглаб “қоратовликлар” Ўш, Андижон, Қўқон ва Бадахшон томонларга бош олиб кетади.

“Тазкира” яратилишига хомийлик қилган Хожа Кефакбек ҳам Офокхожа авлодларидан бўлиб, Хожа Бурҳониддин жунгорларни енгиб Қошғар ва Ёркандни босиб олишдан аввал қоратовлик хожалар билан бирга юртни бошқарган. Бурҳониддин Хожанинг Чин аскарлари ёрдамида Шарқий Туркистонга кириб келишига қарши бўлган. Дастлаб Қошғар олинганда ўз одамлари билан Қўқонга қочиб келган ва Эрдонабий (1757-1763) паноҳида яшаган.

Хожа Кафакбек тўғрисида Муҳаммад Сиддиқ Рушдий “дониш аҳлининг фойиқи, заррот мақомининг лойиқи, Дўрмон насаби хонон, жойишини халифаи азизон”, деб таъриф беради. Кефакбекнинг мадраса ва масжид бино ўтиб, илм аҳлига хомийлик қилганини қайд этади.

Муҳаммад Сиддиқ тазкира муқаддимасидаги “Хасби ҳол”ида ўз бошидан кечирган қонли, фожеали, алғов-далғовларга тўла воқеаларни дард билан ифода ўтган.

Мубтадиъ чиқди жаҳонни бузиб,
Бидъат ила зулм-ситама кўргузиб.
Қўйди баногоҳ бу вилоятга юз

⁵ Ходжаев А. Из истории Восточного Туркестана XVIII в.в. Ташкент.: Фан. -1992. -137 стр.

Чу Рустам расмини айлаб тўкус.
Анбасани кин ила айлаб хижил,
Зулмда Ҳажжож бўлиб мунфаил
Бўлди бу дунёда қиёмат ҳама,
Оҳ-фиғон бирла надомат ҳама.⁶

Рушдий фикрича, мубтади ва бидъат аҳли бу вилоятга четдан “зулм ва ситам кўрғазиб” кириб келди. У зулм қилишда Ҳажжождан ҳам ўтиб тушди. Бу - Чин хоқони билан битим тузиб, Жунғор юрти, Ёрканд ва Кошғарни забт этган, қон тўкиб минглаб бегуноҳ одамларнинг овораи сарсон, жалои ватан бўлишига сабабчи бўлган, оқибат ўзи ҳам маккор “иттифоқчи”си томонидан махв этилган омадсиз Хожа Бурҳониддиндир.

Муҳаммад Сиддиқнинг шеърий девони ҳали аниқланган эмас. Ҳозирча унинг “Тазкирату-л авлиёи туркий” ва “Рисолаи Қодирия” асарлари етиб келган.

“Тазкирату-л авлиёи туркий”нинг яратилиши

Рушдий ёзади: “Тарихқа минг юз тўқсон эрди ибтидо қилдим, тўрт йил тамом бўлғонда итмомига еткурдим”. “Минг юз тўқсон” ҳижрий сони милодийга айлантирилса, 1776 келиб чиқади, бунга яна тўртни қўшсак, 1780 ҳосил бўлади. Муқаддимага мурожаат қиламиз: “Ул салтанат мартабасида умр ўтқарган ва ҳукумат маснадида кўнгли ўсган ва давлат чорболиши узра меҳнат (қийинчилик) юзин кўрмаган, жойишини халифаи азизон, Дўрмон насаби хонон Хожа Кефакбекдин ишорат бўлдики, (у) дониш аҳлининг фойиқи ва заррот мақомининг лойиқи эрди, умрнинг бебақолиғини англади ва дунёнинг бевафолиғини кўрди ва билди, бу оламнинг давлати, салтанати, иззат-ҳурматининг маҳосилини чоғлади. Андиша қилдиким, “Ушбу иш эмасдурки, ман ул ишдадурман, бир иш қилғайманки, ўтқанларга дуои хайр еткай ва қолғонларга мандин ёдгор қолғай, шояд бу восита бирла халойиқ тилида отим мазкур ва олам дафтарида шуҳратим мастур бўлғай” деб, Хўтан

⁶ Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ. Тазкирату-л-авлиёи туркий. 1780 йили кўчирилган қўлёзма. Тошкент Давлат педагогика университети кутубхонаси фонди. Кўздан кечирув рақами- 41583. Ҳажми 30х24 см. 382 варак. 17-варақнинг “б” бети.

диёрики, ўз мавлудидир икки мадраса анда бино қилдиким, фуқаролар андин маҳфуз ва толиби илмлар андин манзур, дуои хайр бирла ёд қилурлар ва Ёрканд диёриким, пойтахти Мўғилиядир, бир масжид анда таъмир қилдиким, хатиб ва имом ва муаззин (муқаррардурким), дуоға машғулдирлар.

Алҳосил маълумдурким, мадраса ва масжид умри қирқ-эллик йилдин бери пеш эмас. Бир иморате бино қилғайменким, модомики дини Ислон боқийдур ул иморат боқий бўлғайки, дарвишлар кўнглига андин хузур ва халоват етгай, ағниёлар андин мавъзият гавҳарин олиб, охират савдоси машғуллиғида олам кезгай ва султонлар анинг ҳикматомуз насихатларидан кўнгил совутиб, адолатни пеша қилғай. Ва амири соҳибқидорлар кўриб, анинг ваҳматангиз сўзларидан ибрат олиб, зулм – ситамдин қўл йиққай”, дегач бу каминаи бемикдорки, Муҳаммад Сиддиқ муллақиб бир- Рушдий хитоби мустажоб бўлдиким, “Тазкирату-л авлиё” китобига авсофи мазкур бўлди. Форсий алфози бисёр дақиқдурки, аҳли диллар тамом баҳравар бўлолмаслар. Арабий иборатлари мушкул уза мушкулдирки, аҳли талаб фаҳм қилмоққа ожиз келурлар. Илтимослари улдирким, бу ҳақиқат сўзин гавҳарларин хуффо хазинасидан чиқариб, олам бозориға солиб, атторлик қилсанг, токи ому хос, аҳли дин ўз ҳиммати чоғлиқ харидорлик қилғай, балки билгай ва англағай, олам аҳлиға мандин ёдгоре қолғай. Бу китобдан файз етканлар ва ул сўздин баҳраманд бўлғонлар раҳмат бирла ёд қилса, савоб натижаси манга бўлғай. Умил улки, бу улуғ ишқа далолат қилғонимдан ва бу асрорни ошкор қилурға саъй-кўшиш кўргизгонимдин Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг қабул шарафига етиб, раҳмат ва мағфиратиға мушарраф бўлғойман”.⁷

Бу катта ва масъулиятли ишни бажаришга киришгунга қадар шоир ва адиб оғир турмуш машаққатларини, айни вақтда катта ижодий йўлни босиб ўтганлиги муқаддимадан аниқ билиниб туради. Муқаддимада ўқиймиз:

⁷ Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ. Тазкирату-л-авлиё- туркий. 1780 йили кўчирилган қўлёзма. Тошкент Давлат педагогика университети кутубхонаси фонди. Кўздан кечирув рақами- 41583. Ҳажми 30х24 см. 383 варак. 8-варақнинг “а” бети).

“Олам маҳосили умрим ҳосили ушбудурурким, қаламим саҳфа юзига сабт этмишки, муддате фазойил аҳли йўлида фазилат таҳсили учун югурдим, замоне уламолар хизмати қаторида сафи ниҳол ичра ер тутиб, кафшлари наълларин юзумга суртдим, гоҳ қофиясанж, мазмунписанд, мавзунтаъб шуаролар мажлисларида мақоми панжгоҳда мухаммас айтиб, чоргоҳ тараннуми бирла рубоий иншосида ғазал айтмоқ бирла мақоми эшонда нағма туздим, муддате муаммо майдонида набардлар аро от чикордим”.

Маълум бўлмоқдаки, Муҳаммад Сиддиқ саводи чиққан кундан бошлаб даврининг фозил кишилари, уламолари ва шоирлари даврасига ўзини уриб, улар хизматини қилиб, фазилат ҳосил қилишга тиришган. Араб, форс тилларини, шеърӣ маҳорат сирларини пухта ўзлаштирган.

У ғазал, мухаммас, муаммо ва рубоийлар битиб, аҳли шеър ўртасида катта шуҳрат қозонган. Юқорда келтирилган парчада шоир ғазаллари ҳофизлар томонидан куйланганига ҳам ишоралар бор. Кўп йиллар мадрасаларда муддарислик қилиб, яхши муаллим сифатида шуҳрат қозонган. Адиб бу хусусда “Тоҳи мадраснишин мударрислар зумрасидан (ўрин олиб) таълим бирла овоза кўтардим” деб хабар беради.

Лекин шоирнинг ҳаёти бир текисда кечмаганлигини тарихий воқеалардан билиб олдик: “Неча замон яъжужсифат одамхўр, фиравнсифат, золим, ситамкор, девона нобакорлардин олам аҳлига юзланган балолар ўқиға нишона бўлдим”.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий “Тазкира”си чин истилодан 25 йил кейин Қўқонда ёзилган деб айтиш мумкин – бу қўлёзма бизнинг ҳудудларда бежиз тарқалмаган. Хожа Кефакбек шоҳу гадога ибрат бўлгувлик, охиратни эслатувчи улуғ инсонлар ҳаётига оид китобни ёздириб, келажак авлодга ёдгорлик қилиб қолдиришга қарор қилади.

Асар муқаддимасида фихрист берилган бўлиб у қўлёзманинг 6 “а”-7 “а,б” варақларидан ўрин олган. Уни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин. (Асар фихрестидаги алломалар Алишер Навоийнинг “Насойим-ул муҳаббат” тазкирасида ҳам берилгани боис зикрлар ўрни қиёслаб чиқилган).

Зикрлар рақами. Матнларнинг саҳифаларда жойлашуви	Авлиёларнинг исмлари	“Насойим- ул муҳаббат” даги рақами. * - йўқ
1. 12а-18а	Хожа Увайс Қараний	1
2. 18а-22а	Ҳазрати имом Жаъфар Содик	*
3. 22а-32а	Хожа Ҳасан Басрий	*(2.9.)
4. 32а-36б	Шайх Молик Динор	5
5. 36а-40б	Шайх Ҳабиб Ажамий	2
6. 40б-41б	Шайх Абу Ҳозим Маккий	3
7. 42а	Шайх Атаба ибн ал-Ғулом	4
8. 42а-43а	Шайх Муҳаммад Восеъ	6
9. 43а-54б	Шайх Робиъа Адавия	736
10. 54б-63а	Шайх Фузайл Аъз	21
11. 63а-77б	Иброҳим Адҳам	25
12. 77б-82а	Шайх Бишр Ҳофий	36
13. 82б-97а	Шайх Зуннун Мисрий	9
14. 97а-131б	Шайх Боязид Бистомий	50
15. 131б-139а	Шайх Абдуллоҳ Муборак	7
16. 139а-146 а	Шайх Суфён Саврий	*(79.80.)
17. 146а-151а	Шайх Шақиқ Балхий	367
18. 151а-157б	Шайх Имом Аъзам	10
19. 157б-162а	Имом Шофеъ Матлаби	11
20. 162б-166 б	Имом Аҳмад Ҳанбал	12
21. 166 б-171а	Шайх Довуд Тойи	24

22. 1716-1756	Шайх Ҳорис Муҳосибий	41
23. 1756-179a	Шайх Сулаймон Дороний	23
24. 179a-180 a	Шайх Муҳаммад Саммок	46
25. 180a-182 a	Шайх Аслам Тусий	14
26. 182a-185a	Шайх Аҳмад Ҳарб	15
27. 185a-1916	Шайх Ҳотам Асам	63
28.1916-2056	Шайх Саҳл ибн Абдуллоҳ ат Тустарий	66
29.2056-209a	Шайх Маъруф Кархий	22
30.209a-2156	Шайх Сарий Сақатий	44
31.2156-2166	Шайх Фатҳ Мўсулий	34
32. 216 6-2176	Шайх Аҳмад Жаворий	*
33. 2176-2206	Шайх Аҳмад Хизравайх	47
34. 221a-223a	Шайх Абу Туроб Нахшабий	42
35. *	Юсуф ибн Ҳасан Розий	100
36. 2236-2306	Шайх Яхъё Маоз	48
37. 2306-232a	Шайх Шужоъ Кирмоний	83
38. 247a-2486	Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳубайх (Ошиқ)	65
39. 2366-2416	Абу Ҳафз Ҳаддод	52
40. 2416- 2436	Ҳамдун Қуссор	57
41. 2436-247a	Мансур Аммор	59
42. 247a-2476	Аҳмад ибн Осим Антокий	60
43. *	Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ҳақиқат	*
44. 248a-2656	Шайх Жунайд Бағдодий	79
45. 2656-2676	Шайх Усмон Маккий	82
46. 2676-271a	Абу Саййид Харроз	73
47. 271a-176a	Абул Ҳасан Нурий	78
48. 276a-281a	Шайх Абу Усмон Ҳирий	84
49. 281a-282a	Абу Абдуллоҳ бинни ал-Жало	120
50. 282a-283a	Шайх Муҳаммад Рувайм	99

51. 283a-286 б	Шайх Ато ибн Сулаймон	109
52. 286a-287б	Шайх Иброҳим Заққий	*
53. 287б-289a	Абу Юсуф Исбот	*
54. 289a-290 б	Шайх Абу Исҳоқ Захрхурий	*
55. 290a-292б	Шайх Самнун Муҳиб	104
56. 292б-293б	Шайх Муҳаммад Муртаъш	262
57. 293б-294б	Шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Фазл Балхий	127
58. 294б- 295б	Шайх Абулҳасан Бушнакий	*
59. 295б-300a	Шайх Муҳаммад Али Ҳаким ат-Термизий	128
60. 300a-302a	Абу Бакр Варроқ	135
61. 302a-303б	Абдуллоҳ Манозил	263
62. 304б-304б	Али бинни Саҳл Исфаконий	110
63. 304б-305б	Хайр Нассож	158
64. 305a-306a	Шайх Абу Жазм Хуросоний	*
65. 306a-307a	Шайх Аҳмад ибн Муҳаммад Масрук	91
66. 307a-308a	Шайх Абдуллоҳ Мағрибий	93
67. 308a-308б	Шайх Али Жузжоний	144
68. 308б-310a	Шайх Абу Бакр Каттоний	223
69. 310a-313a	Абдуллоҳ Ҳафиф	152
70. 313a-314a	Шайх Муҳаммад Жаририй	164
71. 314a-319a	Хусайн Мансур Ҳаллож	183
72. 319a-324a	Иброҳим Хос (Хаввос)	161
73. 324a-325б	Мамшод Диноварий	96
74. 325б-326a	Абу Наср Саррож	361
75. 326a-328a	Абул Аббос Қассоб	364
76. 328a-331a	Абу Али Даққоқ	367
77. 331a-358б	Шайх Абулҳасан Харрақоний	372
78. 358б-359a	Шайх Абдуллоҳ Бардиндий	56
79. 359a-360a	Шайх Иброҳим Шайбоний Али	195

80. 360a-361a	Шайх Абубакр Сайдалоний раҳматуллоҳи алайҳ.	228
81. 362a-363a	Шайх Абу Ҳамзаи Бағдодий	71
82. 362a-363a	Шайх Абул Ҳасан Мутеъ	*
83. 363a-364a	Шайх Муҳаммад Абу Умар	*
84. 364a-364б	Шайх Абулҳасан Соней	*
85. 364б-371a	Шайх Абу Бакр боби Фарғона сумма Воситий	220
86. 371a-372б	Абу Али Сақафий	256
87. 372б-373б	Шайх Абу Али Формадий	437
88. 373a-375a	Шайх Абу Али Рудборий	336
89. 375a-376a	Шайх Абул Ҳусайн Ҳусрий	298
90. 376a-377б	Шайх Абу Али Исҳоқ Шаҳриёрий	*
91. 377б- 378б	Абул Аббос Ясорий	*
92. 379a-381б	Шайх Абулқосим Насрободий	295
93. 381a-381б	Шайх Абул Аббос Ниҳовандий	178
94. *	Шайх Абу Бакр Шиблий раҳматуллоҳи алайҳ.	226
95. 382a	Шайх Имом Муҳаммад	*

Китобнинг ички тузилиши: Кўлёзма 382 варақдан иборат бўлиб, сифатли кўқон қоғозига, настаълиқ хати билан кўчирилган. Ҳар бир бет 17 сатрдан ёзувга эга бўлиб, зикрлар тартиби, оятлар, ҳадислар, “нақл”, “ривоят”, “ҳикоят”, сўзлари “Дебдур”, “Келтирубдурларким” сўзлари қизил рангда, қолган матнлар қора рангда ёзилган. Китоб котиби кўрсатилмаган. Саҳҳофи эса Сайид Муҳаммад номли киши бўлган.

Асар ўзига хос ички қурилишга эга. Ҳар бир шайх ҳаёти “Зикр” деб номлангани ҳолда, (Масалан, “Зикри шайх Иброҳим ибн Адҳам”) зикрлар кичик боб ёки фаслларга ажратилмаган. “Дебдур” сўзи билан баён этилган матнлар эса машойихларнинг зикрларига илова қилинган. Ҳар бир зикрда, дастлаб қаламга олинган шайх - авлиёнинг илм-фан, дин ва тасаввуф оламидаги шон-шавкати, лақаб ва унвонлари сажъ йўлида берилади. Шундан

сўнг валийнинг келиб чиқиши, ватани, таълим олган жойлари, устозлари, тариқат йўлида чеккан риёзатлари, тавбасига сабаб бўлган ибратли воқеалар, кароматлар баён этилади.

Зикрлар асосан нақллардан ташкил топган. Воқеалар “келтирибдурларким”, “нақлдурким”, “дебдурларким” киритмаси билан бошлаб, уларда авлиёнинг сафдошлари, муридлари ва бошқа замондошларининг хотира, эсдалик ва ҳикоялари шаклида берилади. “Дебдур” бошланмаси билан ўша шайхнинг Қуръон оятлари ва ҳадислар шарҳини акс эттирувчи панд-насихат, тасаввуфга оид атамалар маъноси, ибратли ҳаётий хулосалар келтирилади. “Келтирибдурларким ” деб бошланувчи кичик- кичик асарлар ҳам аслида нақллардир. Аслида муаллиф “Нақл қилиб келтирибдурларким” дейиш ўрнига қисқаликка интилиб шундай ёзишга одатланган кўринади.

Асарнинг мавзу олами жуда ранг-баранг. Уларни тасниф этиб, ирфоний билимлар ва дунёвий мушоҳадалар қомуси деб ҳисоблаш мумкин. Аллоҳ таолонинг қудрати ва ожиз инсон, инсон ва она-замин муносабатлари, табиат билан уйғунликда умр кечиришга даъват этиш, Шайтон макридан иймонни эҳтиёт қилишнинг моҳияти, эл-улусга шафқат ва насихат, нафсга банда бўлмаслик фазилатлари, моддий бойликка муносабат, инсон ички оламининг пинҳон нуқталарига кириб бориш йўллари, охиратдан мурод, кароматларнинг сир-асрорлари, нафс тарбияси ҳар бир зикрнинг асл моҳиятини ташкил этади.

Нақлларнинг пайдо бўлиш тарихи ўзига хос бўлиб, маиший турмуш у ёки бу ахлоқ тушунчалар таълим тарбияга хизмат қилгувчи воқеа ва ходисалар нақллар учун объект бўлиб хизмат қилган. нақлларнинг амалий аҳамияти шундаки, улардаги воқеалар ўғит бериш вазифасини адо этади. Нақллар сюжети содда ва қисқа, воқеалари ахборот шаклида бўлади. Нақл сюжетининг ечими кутулмаганда содир бўлади. Тарғиб этиладиган ўғит, ибрат, воқеаларнинг умумий мазмунидан келиб чиқарилади. Нақлларда образ ва тушунчаларни бир-бирига зид қўйиш усули етакчи бўлади. Синкретик

нақллар эртақ, афсона, ривоят, мақол ва маталлар билан ўзаро муносабатда уларнинг бир-бирига таъсири натижасида юзга келган. Нақллар сюжети кўпроқ диалоглар асосига қурилади. Нақлларнинг якунида қиссадан ҳисса чиқарилади.

Қўлёзмада лексиконида тасаввуф истилоҳлари ва диний тушунчалар кўп учрайди. Уларнинг маъносини изоҳлаш учун бутун бошли луғат тузиш керак. Биз фақат тасаввуф таълимотига тегишли сўзлардан энг муҳимларини келтириб ўтамиз.

Аброр – доно ва тақводор киши, абдол – Худога яқин, аҳли басит – содда, оддий хулқли кишилар, амин – вакил, эътиборли, азза ва жалла – холиб ва буюк, билод – хабардорлар, йўлбошчилар, боргоҳ – 1. Оллоҳ қароргоҳи. 2. Даргоҳ. 3. Шоҳона ҳайма, вараъ – парҳезкорлик (дунёдан), тақводорлик, восил – Худо ризосига етишган (Султон -ул восилин Хожа Аҳмад Яссавий), гузида – эъзозли, сайланган (Баргузида -анбиёлар ва авлиёлар сифати), донандаи ғайб – илоҳий ақл эгалари, ёрлақамоқ – раҳмат назари билан қараш, истихора – Оллоҳдан яхшилик кутиш, ижтиҳод – одатда фикҳ илми йўлида камолотга интилиш, илмий янгилик қилиш учун жудду жаҳд қилиш, иқтидо – тақлид қилиш (намозда имомга эргашиш), иститоат – ишни бажариш учун келган куч-қувват, қудрат, истидрож – ношаръий иш қилишга ружу қўйиш, давомли беҳуда азоб чекиш, иксир – оби ҳаёт, имо ва ишорат – оят мазмунига қараб рамз ва мажоз, нишон бериш, истионат – руҳий ёрдам сўраш, илмул-яқин – аниқ нарсалар ҳақидаги фан, жазба – ўзи севган нарсага қаттиқ интилиш ҳолати, ўзига қаратиш, жалол – азамат, буюк, жаноза – кўмишга тайёр қилинган кишининг мурдаси, зиндиқ – динсиз, мунофиқ, зод дарёси – руҳий озик дарёси, залолат – хорлик, пастлик, йўлдан озганлик, зуннор – насронийлар белбоғи, кобин – никоҳ муҳри, карим – сахий, Аллоҳ сифатларидан бири, каромат – 1. Мурувват, саховат. 2. Ғайриоддий ҳолатда бировга яхшилик қилиш, конун – 1.Оташдон, кўра. 2. Қиш ойи номи. 3.Муסיқий асбоб, лавҳул маҳфуз – бутун маҳлуқотнинг қилмиши ёзилган Аллоҳ ҳузуридаги китоб, мароқаба (муроқаба) – сўзсиз

тоат-ибодат қилиш, Оллоҳни сукунатда ёд этиш (муруқабага берилди), маоф – авф этмоқ, кечирмоқ, маъсият – гуноҳ, Мажзуб – 1.Аллоҳ ишқи йўлида жазбали киши. 2.Мажнун. 3.Ҳинд тасаввуф аҳли, мутаважжух – хайрихоҳлик билан биров ҳолига диққат қилиш.(Пир ўз муридига таважжух қилиши мумкин. мужаррад – ёлғиз умр кечирувчи, сўққабош, тасаввуф йўлида истиқомат қилиш учун уйланмай ўтган (тажрид қилган) одам, маломатия – тасаввуфдаги бир оқим (Шайх Ҳамдун Қуссор маламатия тариқати пешвоси дейилади), мужиб – дуоларни ижобат қилувчи (ал-Мужиб - Аллоҳ сифатларидан бири), мурид – Худо ризосини топишни мурод қилган киши,толиб, эргашувчи, муршид – Худо ризосини топишни мурод қилган кишиларни тўғри йўлга бошловчи устоз, пир, шайх, муваҳҳид – Оллоҳнинг бирлигига ишонувчи, назаргоҳ – пайғамбарлар ва порсолар мазори, обу гил – 1. Инсон табиати. 2. Вужуд. 3. Аслу нисоб, парҳизкорлиҳ – шариат буюрганидан чиқмаслик, пашмина – жундан тўқилган кийим, дарвишлар кийими.

Қўлёзмада тасаввуфга берилган 20 дан ортиқ таърифлар келтирилган. Масалан: Шайх Муҳаммад Рувайм: “Тасаввуф улдурки, сўфий эғнига пашмина (жун матодан тикилган чопон) кийгай кўнглининг сафоси бирла, жафо ва бало лаззатини нафсига тортқай ва дунёни кейинга ташлағай ва Муҳаммад мустафо саллАллоҳу алайҳи ва салламнинг тариқи бирла йўл юргай. Сўфий агар халқдин нола қилса, ани бозорда ўлтирғизиби, касб қилмоққа буюрмак керак”.⁸

Рушдий асари XVIII аср ўзбек адабий тилининг барча морфологик, лексик ва грамматик хусусиятларини ўзида акс эттирган ҳажм жиҳатдан катта, услуб жиҳатдан бебаҳо ёдгорликдир. Рушдий ўз асарини “хосу ом Туркистон эли баҳраманд бўлиши учун” сўзлашув тилига бир мунча яқин, содда ва осон услубда ёзишга асосий эътиборни қаратган. Асар таркибидаги ҳар бир нақл ва ривоят мустақил асар ҳисобланиб, уларнинг ўзига хос мавзуси, мақсади, сюжет ва композицияси, авж нуқтаси ва ечими бор.

Матнларни морфологик, лексик ва стилистик жиҳатдан таҳлил этишнинг ўзи алоҳида бир илмий тадқиқотни талаб этади.

“Тазкира”да мовароуннаҳрлик алломалар Ҳаким ат-Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Фазл Балхий-Ургутий, Ҳабиб Ажамий, Абу Туроб Нахшабий, Абу Бакр Фарғоний –Воситий, Фузайл Иёз, Шайх Абдуллоҳ Муборак зикрлари ўрин олган.

Рушдий “Тазкира”си ҳозирги жорий ёзувга тўлиқ табдил этилиб, нашрга тайёрланди.

Фаридуддин Аттор “Тазкирату-л авлиё”си ва Рушдий тазкираси генезисига доир

Фаридуддин Аттор (1141 -1223) халқ орасида унутилиб кетган авлиёлар ҳақидаги нақлларни тўплаб, тарқоқ манбаларни жамлаб, саралаб ўзига хос янги тазкира яратган эди. Ушбу қимматли манба ҳозирги кунларгача дунёнинг бир неча тилларига, чунончи, араб, француз, инглиз, немис, рус, турк, ўзбек, уйғур тилларига таржима этилган. Туркий тилларга қилинган таржималар турли асрларга тегишли бўлиб, улар бир биридан услубий, семантик ва матний жиҳатдан фарқланади.

Маълумки, Атторнинг икки қисмли “Тазкирату-л-авлиё” китоби 95 зикрдан таркиб топган бўлиб, биринчи қисм “Тазкирату-л-авлиё” (72 зикрдан иборат), иккинчи қисм эса “Зикри мутааххарон аз машойихи кибор” деб номланган. (Аттор асарининг биринчи қисми Муҳаммад Зоҳид Қутку томонидан турк тилига таржима этилган бўлиб, бу нусха Мирзо Кенжабек томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, 1995 йили “Мовароуннаҳр” нашриётида чоп этилди). Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ҳар икки қисмни қўшган ҳолда таржима этган ҳамда китоб номини “Тазкирату-л-авлиёи туркий” деб атаган. Аслият билан таржима солиштириб кўрилганда Рушдий матндан ташқари

манбалардан ҳам хабардор бўлганлиги, асар матнини туркигўй ўқувчилар тафаккурига янада тушунарли этиш учун жидду жаҳд қилгани равшан бўлди.

Кўринадик, Рушдий таржимаси ҳар жиҳатдан қимматли манба. Ўзининг оғир ва шарафли ижодий меҳнати моҳиятини яхши билган адиб китоб мукаддимасида шундай ёзгани ҳам бежиз эмас.

Қаригонда кўришдим тоғ била,
Қозидим бу тоғни тирноғ била,
Тўрт йил ўтрусиди чекдим ракам,
Не илик ором олиб, не қалам.⁹

Мана шундай меҳнатлар эвазига амалий ва назарий туркий тасаввуф хазинаси бўлган тазкира вужудга келган эди. Эндиликда Фаридуддин Аттор асарининг хассос таржимаси бўлмиш “Тазкираи туркий” барча туркий халқларнинг муштарак маданий, адабий, маънавий ёдгорлиги ҳисобланади. Бинобарин, эндиликда уни лингвистик, агиографик, адабиётшунослик ва диншунослик йўналишларида тадқиқ этиш зарур. Россиялик олима Н.Чалисова Атторнинг “Тазкирату-л-авлиё”сидан Ҳасан Басрий, Фузайл Иёз, Молик Динор зикрларини рус тилига таржима қилган ва изоҳлар билан нашр этган. У асарни мусулмон маданиятини ўзида ёрқин намоён этган ёдгорлик сифатида баҳолаган. Китобда берилган тарихий ривоятлар ва нақлларни шунчаки эсдаликлар сифатида эмас, балки проза намунаси сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтган эди.¹⁰ Биз ҳам зикрлар таркибидаги нақлларни маълум сюжет, композиция ва ечимга эга бўлган мустақил кичик-кичик новеллалар дея эътироф қилиб, улар келгусида адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганилишини зарур деб ҳисоблаймиз.

Рушдий арабий, форсий сўз ва ибораларни туркий халқлар руҳиятидан келиб таржима қилади. Имкон қадар ортиқча изоҳ ва шарҳларга эҳтиёж қолдирмасликка интилади.

Аттор аслиятида (Иброҳим Хос зикрида) ўқиймиз:

⁹ Рушдий, Муҳаммад Сиддик. Кўрсатилган асар. 11-варақнинг “б” бети.

¹⁰ Суфизм в контексте мусульманской культуры. М.: -1989.- стр.132.

“Ва гуфт: Вақти дар сафари будам. Ташна шудам, чунонки, аз ташнаги билфтодам. Якиро дидамки, об бар рӯи ман ҳами зад, Чашмам боз кардам, марди ро дидам неку рӯй, бар асби хинг, маро об дод.”¹¹

Таржимада:

“Бир дафъа сафарда эрдим, ташна бўлдим, ончага етдимки, манголмай (юролмай) йиқилдим ва ўлгудек ҳолда ётар эдим. Бир киши келиб менга сув сочди. Кўзимни очиб кўрдим – бир чиройли киши шоший отга минибдур, менга сув берди”.¹²

Аслиятдаги “асби хинг”ни мутаржим “шоший от” деб таржима қилган. “Навоий асарлари учун қисқача луғат”да “Хинг” сўзи “оқ от” деб берилган.¹³ Бундан биз ўрта асрларда Шарқда Тошкент оқ отлари кенг тарқалгани ҳақидаги маълумотга эга бўламиз. Агар таржимон “Хинг оти” ёки “Оқ от” деб таржима қилиш билан кифояланганда ҳам биз унга эътироз билдирмаган бўлар эдик, аммо оқ рангли Тошкент отлари ҳақидаги тушунчадан беҳабар қолар эдик. “Тазкира” аслиятида Ҳасан Басрий тўғрисида шундай дейилади: “Ва ибтидои тавбаи он будки, ў гавҳарфуруш буд. Ўро “Ал-Ҳасан-ул лўлўвий” гуфтанд.” Ушбу гапларни Муҳаммад Сиддиқ “Ибтидои тавбаси бу эрдик, шайх Ҳасан ёшлигида гавҳарфурушлик билан машғул эрди ва уни “Ҳасан гавҳарфуруш” дер эрдилар” тарзида баён этади. Туркий халқлар тилида арабий “лўлў” сўзи гавҳар сўзининг синоними сифатида ишлатилмайди, ҳатто мумтоз адабиётда ҳам кам учрайди. Шу боис Рушдий ҳам “лўлўфуруш” деб таржима қилишдан ўзини тийган. Бир ўринда аслиятдаги “боғбон” сўзини Рушдий “мевачи” тарзида келтириб, янги сўз ясайди. Бунда манзарали дарахтларга қаровчи боғбон билан мевали дарахтларга қаровчи кишининг фарқи борлигига урғу берилган. Аттор аслиятидан Шайх Мансур Халлож тўғрисидаги зикрда ўқиймиз: “Жамоати муридон гуфтан: – Чи гўйи дар мо ки муридонем ва инҳоки мункаранд ва туро ба санг хоҳад зад? Гуфт: – Эшонро ду савоб аст ва шуморо- яки. Аз

¹¹ Фаридуддин Аттор. Кўрсатилган асар.-Б. 81.

¹² Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ. Кўрсатилган манба. 39-варакнинг “Б”бети

¹³ Навоий асарлари учун қисқача луғат (Тузувчи – фил. фан. док. Ботирбек Ҳасанов.). Т.: 1993. Б. 304.

онки шуморо ба ман хусни занни бишт нист. Ва эшон аз қуввати тавҳид, басалобати шариат мижъмбанд ва тавҳид дар шаръ асл бувад ва хусни занн – фаръ.”¹⁴ Таржимада: “Ўшал вақтда муридлар келиб сўрдилар: – Эй шайх, бизлар ҳақда не дерсизки, сизга яқинларданмиз, мункарлар ҳақида не дерсизки, сизга тош отарлар? Деди: - Сизларга бир савоб бўлур, уларга икки савоб бўлур. Шунинг учунки, сизлар мендан яхши гумон қилурсизлар. Улар бўлса тавҳиднинг истаги ва шариатнинг улуғлиги билан тош отарлар. Шариат ҳукмида тавҳид аслийдур (асосдир) дарахтнинг илдизи янглиғ. Яхши гумон фаръи бўлур (иккинчи даражали), дарахтнинг шохи янглиғ.”¹⁵

Хулоса қилиб айтганда келгусида:

“Тазкиратул авлиё”нинг аслиятини мавжуд таржима нусхаларини билан қиёсий ўрганиш; тазкиранинг туркий халқлар тилларига қилинган (ўзбек, турк, уйғур, татар ва бошқа) таржималарини қиёсий ўрганиш; “Тазкирату-л авлиё” ва ўзбек адабиёти” мавзусида тадқиқот яратиш; “Тазкирату-л авлиё”нинг туркий таржималари танқидий матнини яратиш; тазкирада зикр этилган мовароуннаҳрлик донишмандлар ҳаёти ва қарашларини тарихий манба сифатида махсус ўрганиш.

“Насойиму-л муҳаббат”асарининг Рушдий тазкирасини тадқиқ этишдаги аҳамияти

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим-ул футувват” асари тасаввуф алломалари ва авлиёлар тўғрисида ёзилган ўзига хос бебаҳо тазкира ҳисобланади. Маълумки, Навоийнинг илтимоси ва рағбати билан ҳижрий 881 йили (Милодий 1476 йили) Абдурахмон Жомий форс тилида “Нафаҳот ул- унс мин ҳазорот -ил қудс” асарини ёзган бўлиб, унда 618 авлиё зикри берилган эди. Орадан 20 йил вақт ўтгач, Навоий 1496 йили устози асарини ўзбек тилига таржима

¹⁴ Фаридуддин Аттор. Тазкирату-л-авлиё. (Никольсон нашрга тайёрлаган нусханинг қайта нашри. Кобул. 1984. Б. 82.

¹⁵ Рушдий, Муҳаммад Сиддик. Тазкирату-л-авлиё- туркий. 1780 йили кўчирилган қўлёзма. Ҳажми 30X24. 382 varaқ. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети кутубхонаси фонди. Кўздан кечирув рақами- 41583. 40-варақнинг “Б”бети

килиш билан бирга Туркистон ва Ҳиндистон диёрларида яшаб ўтган авлиёлар зикрини ҳам қўшиб 770 авлиё зикрини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган. Бу асар илмий адабиётда қисқача “Насойим ул- муҳаббат” номи билан машҳурдир. Мустақиллик шарофати билан ушбу асар тўлиғича ҳозирги жорий алифбомизда нашр этилди.¹⁶

Навоий бу асарни ёзишда Жомий асарига суянибгина қолмай, Абдурахмон Суллабийнинг “Табоқот-ус суфия”, Фаридуддин Атторнинг “Тазкирату-л-авлиё”, Муҳйиддин Арабийнинг “Футуҳоти Маккия”, шунингдек, ўз даврида машҳур бўлган катор маноқиблардан ижодий фойдаланган. Шу сабабли унинг тазкираси илмий жиҳатдан жуда мукамал манба мақомига кўтарилган. Тазкиранинг ички қурилиши ва баён услуби Алишер Навоийнинг буюк мутасаввиф, ахлоқшунос, маънавиятшунос, тарихчи, адабиётшунос, элшунос ва сиёсатшунос сифатидаги истеъдодини намоён қилган.

Асар тарихий-биографик жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Навоий ҳар бир шайхнинг таваллуд манзилани аниқ кўрсатишга ҳаракат қилгани сезилиб туради. Агар бирор шайхнинг таваллуд топган жойи ёки санаси аниқ бўлмаса, унинг қайси улуғ зот билан замондош, дўст ёки мурид эканлигини кўрсатади. Бу ҳол ўз навбатида бошқа манбаларда учрайдиган айрим ноаниқликларни тузатишга ўнғайлик туғдиради. Муаллифнинг яна бир донолиги шундаки, бирор шайх тўғрисида мухтасар маълумот беришни ихтиёр этган бўлса, “кенгроқ маълумот олишни хоҳлаган киши фалон манбага мурожаат қилсин”, деб эслатма беради. Масалан, Увайс Қараний зикрида “Онинг ҳолотини тамом битса, яна бошқа китоб битмак керак, шарҳи билан билайин деган киши “Тазкирату-л-авлиё”ни ўқисин”¹⁷ дейилган.

Ибн Арабий ҳақида: “Ва Ҳазрати шайх таърифида “Нафаҳот ул унс”да кўп сўзлар дебдурлар. Тилаган киши андин топар.”¹⁸ Абдуллоҳ Муборак ҳақида: “Анинг маноқиб зикрин тилаган киши Ҳазрати Шайх Фаридуддин

¹⁶ Навоий, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 17- жилд. Тошкент.:Фан.- 2001. -518 б.

¹⁷ Навоий, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 17- жилд. Тошкент.:Фан.- 2001. -518 б. -Б.24.

¹⁸ Навоий, Алишер. Кўрсатилган асар. Б.396.

Атторнинг “Тазкирату-л-авлиё»сидин тиласинки, вофий битибдур.”¹⁹ Бундан кўринадики, тазкиранинг айрим дақиқ ва ихчам баёнларини батафсил тушуниб етиш учун юқорида мазкур бўлган асарларни билиш керак бўлади. Шунингдек, бошқа манбалардаги нозик ва баҳсли ва мужмал ўринларга аниқлик киритишда Навоийнинг масалага ёндашув тамойиллари ёрдамга келади.

Алишер Навойдан кейинги даврда ўзбек тилида авлиёлар тўғрисида битилган энг йирик асар шубҳасиз, Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Тазкирату-л-авлиёи туркий” китобидир. Навоий тазкирасида баён этилган шайхлар Рушдий тазкирасида ҳам бор. Шу сабабли “Насойим ул муҳаббат” билан “Тазкирату-л авлиёи туркий” асарини қиёсий ўрганиш зарур ва долзарбдир. Биз серкирра қиёсий таҳлилни талаб этадиган бу масаланинг фақат икки жиҳатини ўрганиш билан қифояланамиз: биринчидан, тазкираларнинг тузилишига кўра ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаймиз, иккинчидан, Рушдий тазкирасининг Навоий асарини ўрганишдаги аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

Навоий ва Рушдий асарларининг энг муштарак томони шундаки, ҳар икки муаллиф муқаддимада авлиёлик моҳияти тўғрисида махсус тўхталиб ўтган. “Насойим ул муҳаббат”да шайхларга (Бу ўринда биз Рушдий тазкирасида номлари зикр этилган шайхларнигина кўзда тутмоқдамиз-И.О.) ярим саҳифа, бир саҳифа ёки бир ярим саҳифа ўрин ажратилган бўлса, Рушдийда уларнинг зикри алоҳида маноқиб даражасида берилган. Масалан, Шайх Абу Бакр Воситий тўғрисида Навоий бир ярим саҳифа жой ажратган бўлса, Рушдийда 13 та нақл ва ривоятлар берилиб, шайхнинг 25 та ҳикматли сўзи илова қилинган. Шунингдек, “Насойим- ул муҳаббат”да Иброҳим Адҳам, Боязид Бистомий, Абулҳасан Харрақоний, Яҳё Маоз, Жунайд Бағдодий каби пирлар ҳақида 1-2 саҳифа ҳажмида маълумот берилган бўлса, Рушдий қўлёзмасида юқорида тилга олинган шайхлар ҳақида 35 саҳифадан, 70 саҳифагача ўрин ажратилганлигини кузатиш мумкин.

¹⁹Навоий, Алишер . Мукамал асарлар тўплами. 17- жилд. Тошкент.:Фан.- 2001. -518 б.- Б.28.

Навоийда тарихий маълумотлар аниқлигига катта эътибор берилади. Жумладан, у ёзади: “Шайх Абу Бакр Воситий, оти Муҳаммад бин Мусодур. Ва “Боб- ун Фарғона” (Фарғоналик шайх) деб танилган эди. Жунайд ва Нурий асҳобининг худамосидиндур. Ва қавмнинг уламо ва машойихидиндур. Тасаввуф усулида ҳеч ким андоқ сўз айтмайдур. Шайх ул-ислом (Бу ўринда Навоий Абдуллоҳ Ансорийни назарда тутган- И.О.) дебдурким, ул тавҳид имомидур ва ишорат илмида Машриқ имоми. Марвда уч юз йигирмадин бурун дунёдин ўтибдур. Қабри анда-ўқдур, Шайх Абулҳасан Нурий (қабри) ёнида.”²⁰

Рушдийда ҳам Абу Бакр Воситийнинг Фарғона шахридан эканлиги таъкидлаб ўтилади – “Келтирибдурларким, Абу Бакр Воситий Фарғона шахридан эрди”. Аммо Рушдийда шайхнинг вафот санаси кўрсатилмаган. Навоий маълумотига кўра эса Воситий милодий 932 йили вафот этган. “Тазкирату-л-авлиёи туркий”да Шайх Жунайд Бағдодий таърифи бошқа шайхларга берилган таърифлардан ажралиб туради. У ҳақида 27 нақл келтирилган бўлиб, ҳикматли фикрларидан 70 та сўз илова қилинган.

Рушдий тазкирасининг ноёблиги шундаки, унинг тасаввуф ва сўфийлик моҳиятига берган таърифлари Аттор, Жомий, Навоий, Сулламий, Қушайрий тазкираларида ҳам учрамайди.

Навоийнинг “Тилагим – сенинг ҳузуринг” деб бошланувчи ғазалини тўлароқ тушиниш учун Рушдийнинг Боязид тўғрисида келтирган нақли катта ёрдам беради.

“Тазкара” матнида ўқиймиз: “Боязид деди: “Худовандо, сени тиларман, хоҳишим – сенинг васлинг, орзуим сенинг – жамолинг, ҳеч фазлу қарам сендин улуғ эмасдур”.²¹ Шу ўринда Муҳаммад Сиддиқ Рушдий “Бу маънони Алишер Навоий на хуш адо қилибдур” деб ғазалнинг қуйидаги уч байтини келтиради:

²⁰ Навоий, Алишер . Кўрсатилган асар. -Б.123.

²¹ Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ. Кўрсатилган асар. 256-варақнинг “а”бети.

²¹ Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ. Кўрсатилган асар. 256-варақнинг “а”бети. (Бу ғазал шоирнинг илк девонидан ўрин олган. Қаранг: Навоий, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 1- жилд.Тошкент.: Фан. -2001. -724 б. Б. 290.

Тилагим сенинг-хузулинг, талабим сенинг жамолинг,
Неча кун тириклигимда ғаразим-сенинг висолинг,
Чидаёлмасим-фироқинг, ўпа олмасим оёғинг,
Кўра олмасим-назаринг, топа олмасим-мисолинг.
Менга даштдин фарах йўқ, менга боғдин тараб йўқ,
Фараҳим-сенинг ҳадисинг, тарабим-сенинг жамолинг.²²

Бу иқтибос Навоий байтларининг ҳам мажозий, ҳам ишқи илоҳий мазмунини тушунтиришга хизмат қилади. Навоий айни Боязид Бистомий сўзларини шеърӣй шаклда баён этган. Боязиднинг юқорида келтирилган сўзлари “ал-Мийсоқ” кундаги аҳд тушунчалари билан ҳам боғлиқ. “Илоҳи, анта – мақсуди ва ризока –матлуби” – Эй Раббимиз, мақсадимиз – сенинг васлинг, талабимиз сенинг розилигингни топиш, деган кудсий ҳадис мазмун-моҳияти Боязид сўзларида ҳам, Навоий байтларида ҳам ўз ифодасини топган.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, хулоса ўрнида айтиш мумкинки,
– Мазкур асарларни муқояса қилар эканмиз, келгусида ҳар икки асарни чоғиштириш усули билан фалсафӣй, филологик, ва матншунослик йўналишларда махсус тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини таъкидлаймиз.

– “Насойим ул муҳаббат” ва “Тазкирату-л авлиёи туркий” асарлари соҳа мутахассислари учун тасаввуф шайхлари тўғрисидаги қомусий ёдгорлик сифатида қиёсий манбалар вазифасини ўтайди.

– Навоий асари бу турдаги тазкираларни ўрганишда тарихий манба бўлиш билан бирга, илмий-услубий манба сифатида ҳам хизмат қилади.

– Рушдийнинг “Тазкирату-л авлиёи туркий” китоби ўзидан аввал яратилган ва ўзидан сўнг таълиф этилган тасаввуфӣй асарларни ўрганишда назарий манба сифатида аҳамиятлидир.

– Муҳаммад Сиддиқ Рушдий Алишер Навоий издоши сифатида “Тазкирату-л авлиёи-туркий”, “Рисолаи қодирия” китоблари ва кўплаб ғазалу мухаммаслари билан адабиёт тарихида ўз ўрнига эга бўлди.

“Хизонату-л асфиё” ва “Тазкирату-л авлиё-туркий” фихристлари қиёси

Ислом агиографияси намуналари Покистон ва Ҳиндистонда ҳам яратилгани маълум. Бу асарлар асосан форс, пушту ва дарий тилларида битилган бўлиб, XIX асрда Мовароуннахрда ҳам тарқалган, маҳаллий босмахоналарда нусхалари кўпайтирилган. Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг “Хизонат ул-асфиё”си (Сафо аҳли- пок тийнатли зотлар ҳақида хазина) асари ана шундай тазкиралардан биридир. Ушбу асарда Муҳаммад Сиддик Рушдийнинг 1780 йили ёзилган “Тазкират-ул авлиёи туркий” асарида зикр этилган авлиёлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

Муҳаммад Сиддик Рушдий асарида 95 авлиё зикри берилган. Муқаддимада авлиёлар исмлари фихрист келтириб, зикрлар бошида уларнинг шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат илмлари тараққиётига кўшган ҳиссалари, уларнинг мақом-мартабалари тўғрисида муҳим сўзлар келтириб ўтади, таъриф ва тавсиф этилади. Аммо асарда шайхларнинг қайси тариқатга мансублиги ёки қайси тариқат аҳллари томонидан қадрланиши хусусида махсус маълумот берилмаган. Афтидан, бу машойихлар таърифи бошқа манбаларда, силсилаларда кўп тилга олингани учун ҳам алоҳида тўхталиб ўтилмаган кўринади.

“Хизонату-л-асфиё” китобида 1107 асфиё зикри берилган бўлиб, ундан Рушдий “Тазкира”сидаги 95 бузрук ҳам ўрин олган ва уларнинг қайси тариқат ва табақага мансублиги ҳам кўрсатилган.

Маълумки, тасаввуф тарихига бағишланган тадқиқотларда қодирия, яссавия, кубровия, суҳравардия, нақшбандия, шозалия, мавлавия, досуқия, жалватия, чиштия каби тариқатлар борлиги қайд этилган.²³ Шунингдек, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Эрон ва Туркия тасаввуфшунослигида асосан, чорсулук (Қодирия, нақшбандия, суҳравардия ва чаштия) мавжудлиги, бошқа тариқатлар уларнинг шаҳобчалари эканлиги таъкидланади. Жумладан, Ғулом

²³ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. “Истиқлол” нашриёти. Т.: 1999, Б. 3-4

Сарвар Лоҳурий китобида ҳам XIX асргача яшаган Ислом дунёсидаги барча машҳур сўфий, авлиё, машойих ва мажзублар тўрт тариқатга - кодирия, чиштия, нақшбандия, суҳравардия тариқатларига тасниф этилган. Бошқа мавжуд тариқатлар уларнинг узвий давоми ёки шаҳобчаси эканлиги таъкидланган. Лоҳурий бевосита “Тазкирату-л-авлиё туркий”га суянмаган бўлса-да, тазкирада номлари зикр этилган барча авлиёлар, мухтасар ҳолда бўлса-да, ўз мақом ва мартабасида қайд этилганлиги манбашунослик жиҳатидан жуда эътиборлидир.

“Хизона” ҳижрий 1281 (милодий 1865) йили ёзилган. Ҳижрий 1312 йили (1895) Лоҳур, сўнг Тошкентда форсий ва туркий тилда тошбосма усулида чоп этилган²⁴. Етти маҳзанга бўлинган асар уч жилд бўлиб, бир муқовага китобат қилинган. Биринчи маҳзан Пайғамбар алайҳиссалом хонадони вакиллари (22 нафар) ҳолидан иборат. Иккинчи маҳзан кодирия тариқати машойихлари ҳоллари баёнидан иборат (157 нафар машойих). Учинчи маҳзан чиштия тариқати авлиёлари ҳоллари баёнидан иборат (жами 234 авлиё). Тўртинчи маҳзан нақшбандия тариқати ҳазратлари ҳоли баёнидан ташкил топган (жами 206 ҳазрат). Бешинчи маҳзан суҳравардия тариқати азизлари баёнидан иборат (жами 104 азиз). Олтинчи маҳзан хонадон аҳли авлиёси, мутафаррис (соҳибфиросат) зотлар ҳоли баёнидан иборат (жами 310 киши). Еттинчи маҳзан икки ҳиссадан - авроти соҳибкамол – авлиё аёллар (жами 41 киши) ва мажзублар ҳоли (33 киши) баёнидан иборат.

Китобда ҳар бир шайхнинг мақом-мартабаси насрда, вафот этган вақти эса шеърӣ таърихларда келтирилган. Етти маҳзан ичидан “Тазкира”да зикр этилган авлиёлар исми шарифларини топдик. Тариқатлар номи берилган зотлар – Абдулқодир Гийлоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муиниддин Муҳаммад Чиштий, Шаҳобуддин Умар Суҳравардий. Улар ўз номлари билан аталган тариқатларнинг ҳалқабошиси эмас. Бундан силсилалар номланиши нисбий эканлиги маълум бўлади. Масалан, “Хизонат-ул асфӣё”га кўра

²⁴ Асарнинг форсий ва туркий нусхалари ЎЗР. Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ ҳазиналар фондида мавжуд. Биз ўз шахсий кутубхонамизда сақланувчи форсий нусхадан фойдаландик. Ҳажми 28х20. 568 варак. Фихрист 8-12-варақларда берилган.

қодирия тариқати силсиласи Маъриф Кархийдан бошланади. (Навоий маълумотиға кўра у ҳижрий 200 йили (милодий 816 йили) вафот этган).

Қодирия тариқати машойихлари рўйхатида «Тазкира»даги 5 авлиё бор, булар – Маъруф Кархий, Сарий Сақатий, Жунайд Бағдодий, Абу Бакр Шиблий, Сухайл ибн Абдуллоҳ Тустарий.

Чиштия тариқати авлиёлари рўйхатида “Тазкира”даги 3 бузруквор исми қайд этилган: булар – Ҳасан Басрий, Хожа Фузайл Иёз, Иброҳим Адҳам. Чишдия тариқати Муиниддин Муҳаммад Чиштий (асли хуросонлик бўлиб, Ҳиндистоннинг Ажмир шаҳрида 1236 милодийда вафот этган) номи билан боғлиқ. “Хизона”да санаб ўтилган 234 авлиёдан 60 нафари чиштлик бўлган. Чишт тасаввуф мактаби катта обрўга эга бўлгани учун ҳам тариқатда алоҳида сулук номини – “чиштия” номини олганлиги бежиз эмас. Чиштия тариқати силсиласи Ҳасан Басрийдан бошланади.

Нақшбандия тариқати ҳазратлари рўйхатидан “Тазкира”даги 3 авлиё ўрин олган. Булар – Боязид Бистомий, Абулҳасан Харрақоний, Абу Али Фармодий. Нақшбандия тариқати силсиласи Салмон Форсийдан бошланади. Сухравардия тариқати азизлари рўйхатида “Тазкира”даги 10 нафар авлиё зикр этилган бўлиб, булар – Хожа Мамшод Диноварий, Шайх Рувайм, Шайх Али Рудборий, Абдуллоҳ Ҳафиф, Довуд Тойи, Абул Аббос Қассоб, Абул Аббос Ниҳовандий, Абу Усмон Мағрибий, Абулқосим Гургоний, Абу Бакр Нассож.

Хонадон аҳли ва мутафаррис (соҳибфиросат) зотлар рўйхатидан эса “тазкира”даги – 74 авлиё номи ўрин олган Юқоридаги тўрт тариқатдаги 21 нафар зот исмлари қўшилса 95 нафарга етади. Буни “тазкира” фихристи тасдиқлайди.²⁵

Мутафаррис зотлар орасидан “тазкира”да зикри берилган Увайс Қараний, Ҳаким ат-Термизий, Яҳё Маоз, Малик Динор, Ҳабиб Ажамий, Суфён Саврий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Шақиқ Балхий, Бишр Хофий, Аҳмад Хадравиях, Зуннун Мисрий, Абу Туроб Нахшабий, Хаддод, Ҳусайн ибн

²⁵ Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ. Кўрсатилган манба. 6-варақнинг “б”, 7-варақнинг “а”, “б” бетлари.

Мансур, Абдуллоҳ Мунозил, Абу Бакр Воситий, Иброҳим Хос, Абу Бакр Даққоқ, Абул Хайр, Жаъфар Содик, Муҳаммад Боқир, Абу Ҳанифа Куфий, Имом Молик, Имом Шофеъий ва Аҳмад Ҳанбал каби машҳур шайхлар ўрин олган.

Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида авлиёларнинг табакаларга бўлиниши тўғрисида айрим эслатмалар мавжуд, аммо Ғулом Сарвар Лоҳурий каби ҳеч ким бу қадар аниқ қилиб авлиёларни тасниф этмаган эди. Бу тасниф кўпгина масалаларга ойдинлик киритиши мумкин.

Марказий Осиёлик машҳур зотларнинг тариқатдаги мақомларини аниқлаб олишда “Хизона”нинг яна бир муҳим жиҳати кўзга ташланади. Буюк муҳаддислар Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва Абу Исо Термизийларнинг муборак номлари мутафаррис зотлар қаторида зикр қилиниб, уларнинг илмий хизматлари эҳтиром ила қайд этилган. XX аср охиригача ҳам Рушдий асари илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолган бўлишига қарамай, ўтган асрларда Мовароуннаҳр, Кичик Осиё ва Шарқий Туркистон иқлимларида бу китоб халқ орасида кенг тарқалган ҳамда севиб ўқилган. Унинг Тошкент, Қўқон, Кошғар шаҳарларида, шунингдек, Туркия қутубхоналарида мавжудлиги фикримизни тасдиқлайди.

Тазкира ва маноқиб манбалари бадиий адабиёт учун хом ашё, масдар вазифасини бажаради. Ижодкорлар ҳаёт синовидан ўтган, маънавий етук фикрларни ва нақлларни ўз асарлари учун масдар-асос қилиб оладилар. Бу билан биринчидан, маънавий жиҳатдан янги баркамол асар пайдо бўлади, иккинчидан, масдарнинг ҳам аҳамияти янада ошиб боради.

Келгувсида “Хизонат-ул асфийё”нинг форсий ва туркий Тошкент нусхасини жорий алифбога табдил этиб, нашрга тайёрлаш лозим. Рушдий “Тазкира”сидаги шайхлар зикрини Ғулом Сарвар Лоҳурий “Хизона”си маълумотлари билан бойитиш ва тарихийлик тамойилига эътибор қаратиш ўринлидир. Ғулом Сарвар Лоҳурий шеърӣ таърихларини адабий жиҳатдан ўрганиш керак. Лоҳурийнинг тасаввуф матншунослигига қўшган ҳиссасини илмий жиҳатдан ўрганиш зарур.

“Рисолаи қодирия” – муҳим ағиографик манба

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий қаламига мансуб асарлардан яна бири “Рисолаи қодирия” маноқибидир. Мазкур рисола 1079 йили Эроннинг Гилон шаҳрида туғилиб, 1166 йили Бағдодда вафот этган улуғ суфий, Шарқда “Ғавс ул-Аъзам”, “Ғавс ус- сақалийн”, “Султон ул- авлиё” номлари билан машҳур бўлган саййид Абдулқодир Гилоний тўғрисида бўлиб, ул киши тасаввуфдаги қодирия сулукининг халқабошиси ҳисобланади.²⁶

Бағдодда 33 йил давомида (13 та фандан) муддарислик қилган, тариқатнинг қодирия-жаҳрия сулукига асос солиб, кўплаб муридлар етиштирган Абдулқодир Гилоний издошлари Ироқ, Эрон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ва Маразий Осиёда унинг сулукини давом эттирган.

Рисола мундарижаси ҳақида. Асар ўз даври маноқиб ёзиш анъаналарига мувофиқ таълиф этилган бўлиб, муқаддимада авлиёлар кароматини баён этишнинг фойдалари таъкидланиб, уларга одамлар ишониши учун оят ва ҳадисдан далиллар келтирилади. Кейин эса рисола мунжарижаси берилади. Мундарижа тушунтириш усулида берилган. Ўзтиборлиси шундаки, асарнинг ички тузилиши бугунги илмий тадқиқотлар ёзишдаги тамойилларига ўхшаб кетади. Асар икки қисм бўлиб, биринчи қисм тўрт бобдан иборат. Боблар фаслларга бўлинган. Иккинчи қисм эса бобларга бўлинмаган, балки беш фаслдан иборат. Беш фасл ичида бир неча нақллар келтирилади. Асарда бир форсий қасида берилган бўлиб, у Ғурбатий номли шоирнинг “Қасидаи муфаррах ул-атроҳ” (Ғамгинларни севинтирувчи қасида) асаридир. Қасида куйидаги байт билан бошланади:

Аз роҳи факру фано гўйи шаҳи баҳрубарам,

²⁶ Қодирия тариқати ҳақида Шарқ ва Ғарб олимлари бир қанча изланишлар олиб боришган. Бу ҳақда қаранг: Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991.; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М., 1965.; Тримингэм Дж. С. Суфийские ордена в Исламе. М., 1989.; Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., 1989.; Навоий, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд. Фан. Т.: 2004. Б 267.; О.Жўрабоев. Ҳазиний Хўқандий ҳаёти ва адабий мероси. Фан. Т.: 2007. 136 б.

Биринчи бобда Абдулқодир Гилонийнинг кунияти ва лақаблари, насаби, сурат ва сийратлари баён этилган. Иккинчи бобда Гилонийнинг туғилиши, болалик чоғлари, учинчи бобда Гилондан Бағдодга сафари, илм олиб камолатга етиши билан боғлиқ эсдаликлар келтирилади. Тўртинчи бобда у кишининг хулқи баён этилади.

Иккинчи қисмда ҳазрати Ғавс ул-Аъзамнинг кароматлари, хаворик одатлари зикр этилади. Рушдий рисолаи ёзишда “Маноқиб Қодирия”, “Тухфат ул-Қодирия”, “Нафахот ул-унс” каби форсий асарлардан фойдаланади, таржима этиб, изоҳлар беради. Асар охирида Гилонийнинг тўққиз фарзанди номи келтирилади, уларнинг ҳар бири муфассир, ҳадис ва фикҳ, улуми зоҳирӣ ва улуми ботинӣда етук аллома бўлганликлари эслатиб ўтилади. Ғавс ул-Аъзам маноқибини ўрганиш кишини маънавий баркамол бўлишга муяссар қилади. Рисоланинг асосий қисми Ғавс ул-Аъзамнинг кароматлари зикридан иборат. Кароматлар ботинига назар солсак, уларнинг пировард мақсади кишиларни яхшиликка чақириш, гуноҳ ишлардан тийилиш, тавба қилишга чорлаш эканлиги маълум бўлади. “Каромат” сўзининг маъноси яхшилик қилиш демакдир. Аҳмад Яссавийда шундай мисра бор: “Ёмонлиқга яхшилик - кароматлиғ Муҳаммад”.²⁸

Кўринадики, каромат фақат яхшиликка яхшилик қайтариш эмас, балки ёмонлик қилган кишиларга яхшилик қилиб, уларни тўғри йўлга солиш ҳисобланади. Ҳолбуки, оддий халқда “каромат кўрсатиш” деганда фақат ғайри оддий, нореал ишларни қилиш тушунилади. Рисола эса бу масалага тўла ойдинлик киритувчи кароматлар тўпламидир. Кароматнинг иккинчи маъноси “Акрамал акрамин” (Карам қилгувчиларнинг карамлироғи) сифатли Худонинг атоси билан бандага муяссар бўлган яхшиликлардир. Кимки дунёда нимани орзу қилган бўлса, шу ниятлари рўёбга чиққан бўлса каромат

²⁷ Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ. Рисолаи Қодирия. 1780 йили кўчирилган қўлёзма. Тошкент Давлат педагогика университети кутубхонаси фонди. Кўздан кечирув рақами- 41583. Ҳажми 30х24 см.384-419-варақ. 398- варақнинг “а” бети. (Рисола “Тазкира” билан бир жилдга муқова қилинган).

²⁸ Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 1992. 208 б. Б. 51.

шудир. Худодан кўп каромат кўрган киши ўзи ҳам бошқаларга яхшилик қилса бу унинг ўзгаларга қилган кароматидир.

Шайхнинг Рушдий томонидан чизиб берилган маънавий портретига назар ташлаймиз. Хулқлари баёни: Ул зот комил инсон – Муҳаммад (с.а.в.) хулқларига интилиб ёшлик чоғидан яхши одоб соҳиби бўлиб етишдилар. Очiq юзли, ширин сўзли, сахийқалб эдилар. Аҳд-паймонга содиқликда, дўстларига вафодорликда беназир эдилар. Ожиз-нотавонларга шафқат кўрғазиб, қарияларни иззат-хурмат қилар, кичикларга улардан аввал салом берар эдилар. Таом есалар (Иброҳим Ҳалилуллоҳ каби) меҳмонсиз таом емас эдилар. Асҳобларидан бирор киши суҳбат ёки зиёфатга келмай қолса, сўраб-суриштиришни канда қилмас эдилар. Асҳобларнинг суҳбатида ҳеч кимнинг сўзини кесиб чиқмас, ўз илмларини намойиш этмас эдилар. Бемор кўришга вақтларини қизғанмас эдилар. Айни маҳалда ағниё ва аҳли давлатларга тавозе қилмас, улар таомини емас, қаттиқ гаплар билан насихатлар қилар эдилар.

Маишатлари: “Ул ҳазрат уламо либоси кийиб, елкаларига ридо солиб юрар, сафарга чиқсалар, асосан, Ҳачир минар эдилар. Баланд минбар узра чиқиб, ўткир овоз билан ваъз айтар, сўзлари маъноли, таъсирли, қабул қилишлик эди. Жума куни Жомеъ масжидига борганларида йўлларига одамлар чиқиб зиёрат қилар, бозорларда ул ҳазратни шафеъ келтириб Ҳақ таолодан ўз ҳожатларини сўрар эдилар.

Тарикатлари: Қодирия сулукининг асосий шиори “Машғуллик ила фориғлик”дир. “Маноқиби қодирия”да шундай дейилган: “Саййид Абдулқодир Гилоний ҳазратларининг фитратларида Юсуф Сиддиқуллоҳнинг хусни малоҳатлари, Ҳазрати Расулуллоҳнинг хулқи фасоҳатлари, ҳазрати Сиддиқи Акбар (Абу Бакр) разияллоҳу анҳунинг сидку ҳаёлари, ҳазрат Умар Форукнинг ғайрат ва адолатлари, ҳазрати Усмон Зуннурайннинг ҳукму иффатлари, ҳазрати Али Муртазонинг илм ва шижоатлари мавжуд эди”. Туркийгўй ва форсийгўй шоирлар унинг жоҳу жалолати, кашфу каромати, хулқу одоби тўғрисида бир неча ғазал, қасида, мадҳия битиб қолдиришган.

Буларни агиографик адабиётнинг энг яхши намуналари қаторига киритиш мумкин.

Маноқиб китобларида Абдулқодир Гилонийни “ҳазрати қутби Раббоний”, “Ғавс ус- самадоний”, “маҳбуби субҳоний” шайх Абу Муҳаммад Саййид Абдулқодир ал-Ҳасаний ал-Ҳусайний Гилоний” деб таништирилади. Муаллифлар у кишини “Мухйиддин”, “Ғавс ул-Аъзам”, “Ғавс ус-сакалайн”, “Шайхи Машрик”, “Султон ул-авлиё” ва бошқа лақаб ва унвонлар билан тилга оладилар. Содда қилиб эса Абдулқодир Гилоний (ёки Жийлоний) деб атайдилар. Ғавс ул-Аъзам шахси ва сулуки Ироқ, Туркия, Ҳиндистон ва Эрон, Марокаш, Сурия ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг шуҳрат топган. “Рисолаи қодирия”, “Тухфат ул-қодирия”, “Маноқиб қодирия”, “Нафахот ул-унс”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Тазкираи ғавсия” ва бошқа китобларда Ғавс ул-Аъзам тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилган.²⁹

Бу маноқиб ҳозирги ўзбек жорий ёзувига ўгирилиб нашр этилган 1992 йилдан бери тўрт марта босилиб чиқди. “Авлиёлар султони. Туронлик валийлар” тўпламида рисоланинг ҳозирги адабий тилдаги варианты босилди.³⁰

“Рисолаи Қодирия” асари маноқиб жанрининг мумтоз намунаси ҳисобланади. Уни тарихий, адабий асар сифатидагина эмас, балки маданият экологияси манбаи сифатида ҳам ўрганиш мумкин. Чунки унда бир етук инсоннинг камолот йўли, яшаш тарзи бир неча аспектда текширилган.

Рисоладан андоза олиб, бошқа улуғ инсонлар маноқибини ҳам яратиш мумкин. Рисола Қодирия тариқатини ўрганишда ҳам тарихий-адабий ва маънавий-дидактик манба сифатида қимматлидир. Рисола “Тазкирату-л-авлиёи туркий” асаридаги зикрларни ўрганишда ҳам ўзига хос манба бўлиб хизмат қилади.

²⁹ Абдурахмон Жомий. Нафохат ул унс. Форсий. –Т.: Порцев матбааси. 1915; Алишер Навоий. Насойим ул муҳаббат. МАТ. 17-жилд. –Т.: 2001. Б. 374-375; Хожазода Аҳмад Хилмий. Силсилат ал-Машойихи Қодирия. Ҳадиқат ул авлиё . –Истамбул, ҳиж, 1318; Остонакулов И. Фарғоналик валийлар. –Т.: Мовароуннаҳр, 2000. 128 б. Б. 18-24; Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. –Т.: 1999. Б. 104-106; С.Олим. Ғавс ул-аъзам ёки Қодирия тариқати. “Сино” журнали. 2002. 5-сон. Б. 31-33; Жўрабоев О.Абдулқодир Гилоний ва унинг мактублари ҳусусида. Имом ал-Бухорий сабоқлари. –Т.: 2002, 4-сон, Б. 312-315.

³⁰ Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. Камалак.. Тошкент.:1995. -157 б. -Б. 10-83.

Алломанинг нашр этилган асарлари

1. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Ғавс ул-Аъзам. (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи И. Остонакулов) Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент. : 1992. 92 бет.
2. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. «Камалак». Тошкент. : 1995. 157 б.
3. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. «Янги аср авлоди». Тошкент. : 2004. 253 б.
4. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Шайх Боязид Бистомий зикри (“Тазкират-л авлиёи туркий”дан). “Сирли олам» журнали. 1990. 6,7,8,9-сонлар.(Нашрга тайёрловчилар - Ҳ.Ҳомидий ва И. Остонакулов.)
5. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Шайх Иброҳим Адҳам зикри (“Тазкират-л авлиёи туркий”дан). – “Ёшлик” журнали. 1990. 8-сон. Б.17-21. (Нашрга тайёрловчилар - Ҳ. Ҳомидий ва И. Остонакулов.)
6. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Робиа Адавия зикри. (“Тазкиратул авлиёи туркий»дан). – “Ёшлик” журнали. 1990. 9-сон. Б.37-41. (Нашрга тайёрловчилар - Ҳ. Ҳомидий ва И. Остонакулов.)

Аллома ижоди бўйича ёзилган илмий ишлар

I. Монография ва китоблар:

1. И.Остонакулов. Фарғоналик валийлар. “Мовароуннаҳр”.Тошкент. 2001. 128 б.
2. И.Остонакулов. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ва унинг «Тазкират ул-авлиёи туркий» асари. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент. 2007. 190 бет.
3. Ҳ.Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик концерни. Тошкент. 2006. 259 бет.

4. Машрикзамин – ҳикмат бўстони. (Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Ҳомидий ва М.Ҳасаний). “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Тошкент. 2008. 259 бет.

II. Мақолалар:

1. И.Остонакулов. Элда ситойишлиғ авлиё. – “Мулоқот” журнали. Т. : 1992. 6-сон. 73-75-сах.

2. И.Остонакулов. Адабиёт дарсларида Машраб ва Ҳувайдо ижодини ўрганишнинг баъзи масалалари. – “Тил ва адабиёт таълими” журнали. 2002. 3-сон. 13-15-сах.

3. И.Остонакулов. Етмиш марта кувғунга учраган олим (Шайх Абу Бакр Воситий ҳақида). - “Ўзбекистон матбуоти” журнали. 2002. 3-сон. 40-41-сах.

4. И.Остонакулов. “Фирокка тоқатим йўк...” (Шайх Жунайд Бағдодий ҳақида). – “Ўзбекистон матбуоти” журнали. 2002. 6-сон. 32-34-сах.

5. И.Остонакулов. Икки сарчашма муқоясаси (Алишер Навоий ва Муҳаммад Сиддиқ Рушдий). – “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журнали. 2002. 1-сон. 54-56-сах.

6. И.Остонакулов. “Тазкират ул-авлиёи туркий” поэтикаси. - Илмий-таҳлилий Ахборот. 2005. 1-сон. 28-34-бетлар.

7. И.Остонакулов. Эзгулик ганжинаси – “Жамият ва бошқарув” журнали. 2006. Махсус сон. Б.34-35.

8. И.Остонакулов. Фаридуддин Аттор ва Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. – Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2005. 5-6-сонлар. Б.67-71.

9. I. Ostonaqulov. Traditions orales et Literature chez les qadiri de la vallee Ferghana aux XIXe-XXe siecles. - Journal of the history of sufism. “Simurg”. Istanbul. 2000. № 1-2. (Frans) 304-336 L (И.Остонакулов. Қодирия тариқати анъаналари ва адабиётининг Фарғона водийсида XIX-XX асрлардаги тарихи. (Француз тилида). Суфизм тарихига оид журнал. “Симурғ”. Истанбул. 2000. № 1. Б.304-336.)

10. Ҳ. Ҳомидий. Қадим Шарқ дарғалари. Илмий-бадний лавҳалар. \\Ирфоний билимлар комуси. - “Шарқ” матбаа нашриёт-концерни. Т. : 1999. 272-290-саҳ.

11. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. \\ Ғавс ул-Аъзам. “Ўзбекистон” нашриёти. Т.: 1994.Б.72-90. (Ш. Мансуров, И.Остонақулов ҳаммуаллифликда.)

12. И.Остонақулов. Хожаи омон –ургутлик аллома.ТИУ Таҳлилий Ахбороти. 2008.4-сон.Б.41-44.

13. Ҳ.Ҳомидий. Ҳабиб Ажамий. “Ишонч” газетаси. 2004 йил, 9 апрель.

14. Ҳ. Ҳомидий. Туркий тазкиранавис. “Ишонч” газетаси. 2004 йил, 25 июнь.

15. Ҳ.Ҳомидий. Аёллардан чиққан авлиё. “Ишонч” газетаси. 2004 йил, 11 июнь.

16. Ҳ.Ҳомидий. Абу Туроб Нахшабий. “Ишонч” газетаси. 2004 йил, 8 октябрь.

17. Ҳ.Ҳомидий. Ҳасан Басрий. “Ишонч” газетаси. 2004 йил, 9 ноябрь.

18. Ҳ.Ҳомидий. Кимёшунос шайх. “Ишонч” газетаси. 2004 йил, 1 октябрь.

19. Ҳ.Ҳомидий. Сувда чўкмас Саҳл. “Ишонч” газетаси. 2004 йил, 5 ноябрь.

20. Ҳ.Ҳомидий. Харрақоний айтадиким. “Ишонч” газетаси. 2004 йил, 2 июль.

21. Ҳ.Ҳомидий. Султон ул орифин. “Ишонч” газетаси. 2004 йил, 15 октябрь.

